



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 22 » декабрь

№ 803

Toshkent sh.

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга, аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг янги тизимини яратишга, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш ишларига муносиб ҳисса кўшган, жамиятда мутолаа маданияти, китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилган ҳамда бу йўналишда юқори натижаларга эришган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони таъсис этилсин.
2. Қуйидагилар:

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари тегишлича 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони билан тақдирлаш учун тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиши бўйича ишчи гурӯҳ таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги “Давлат белгиси” ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг буюртмасига асосан белгиланган тартибда “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини таъминласин.

4. “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 22 ” декабрдаги 803-сон қарорига
1-илова

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга, аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг янги тизимини яратишга, кутубхоналарда сақланаётган миллий маданий меросни асраб-авайлаш ва бойитиш ишларига муносиб ҳисса қўшган, жамиятда мутолаа маданияти, китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилган ва мазкур йўналишда юқори натижаларга эришган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўриб чиқиш

4. Туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларига ҳар йили 10 марта қадар тақдим этади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари номзодлар бўйича таклифларни белгиланган тартибда қўриб чиқади ҳамда ҳар йили 1 апрелга қадар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига (кейинги ўринларда – Миллий кутубхона) тақдим этади.

6. Вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар ахборот-кутубхона тизими вакилларини кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни ҳар йили 1 апрелга қадар Миллий кутубхонага тақдим этади.

7. Миллий кутубхона тақдим этилган номзодларни ўрганиб чиқиб энг муносибларини ҳар йили 20 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этади.

8. Кўқрак нишони билан тақдирлаш учун тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиши бўйича ишчи гуруҳ йиғилишида номзодларнинг хужжатлари ўрганилиб, ҳар йили 1 майга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

9. Агентлик директорининг кўқрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 10 майга қадар чиқарилади.

3-боб. Кўқрак нишони билан тақдирлаш

10. Кўқрак нишони Агентлик директори (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

11. Кўқрак нишони билан мукофотланган шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бирйўла тўланадиган пул мукофоти олади.

Бирйўла тўланадиган пул мукофотлари Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Кўқрак нишони билан тақдирлаш, Агентлик директорининг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

13. Бир шахс кўқрак нишони билан бир марта мукофотланади.

14. Кўқрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўқракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Агентлик ушбу Низомга мувофиқ кўқрак нишонига тавсия этилган номзодлар хужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Ахборот-кутубхона аълочиси”
кўқрак нишони тўғрисидаги низомга
илова

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари	Кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларига тақдим этади	Ҳар йили 10 марта қадар
2-босқич	1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари 2. Вазирликлар ва идоралар	Кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ва Миллий кутубхонага тақдим этади	Ҳар йили 1 апрелга қадар
3-босқич	Миллий кутубхона	Кўқрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига тақдим этади	Ҳар йили 20 апрелга қадар
4-босқич	“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўқрак нишони билан тақдирлаш учун тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳ	Номзодлар бўйича кужжатларни ўрганиб чиқади ва энг муносаб номзодлар юзасидан якуний хулоса қабул қиласди	Ҳар йили 1 майга қадар
5-босқич	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги	1. Кўқрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида Агентликнинг бўйругини чиқаради. 2. Кўқрак нишони билан тақдирлайди.	1. Ҳар йили 10 майга қадар 2. Ҳар йили май ойининг учинчи ўн кунлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “22 декабрдаги 803-сон қарорига
2-илова

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони диаметри 34,0 миллиметрли доира шаклда бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг четки қисмида айлана бўлиб, оч тилла ранг фонда 14 та қизил рангли эмаль жойлаштирилган.

Кўкрак нишонининг олд юқори қисмида зарҳал ҳошия билан ўралган оқ рангдаги эмаль доира ичида “AXBOROT-KUTUBXONA A’LOCHISI” сўзлари ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлиб, ёзувлар зарҳалланган. Унинг пастки қисми марказида фахр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи иккита дафна япроғи тасвирланган.

Кўкрак нишонининг марказий қисмида очик ҳолда тасвирланган китоб вараклари акс эттирилган. Китоб варакларининг икки ён томонида яшил рангда япроқ тасвирланган. Китоб варакларининг марказида Хумо қушининг бош қисми тасвирланган. Хумо қушининг қанотлари китоб тасвири билан уйғунлашган. Хумо қушининг орқа томонидан қуёш нур сочган тарзда акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида қавариқ айлана марказининг биринчи қаторида “AXBOROT-KUTUBXONA”, иккинчи қаторда “SOHASIDAGI SAMARALI”, учинчи қаторда “MEHNATLARI UCHUN” сўзлари ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр. Тасвирлар ва ёзувлар қавариқдир.

Кўкрак нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган бўлиб, қадағичнинг пастки қисмида тилла рангида дафна япроқлари тасвири ўрнатилган.

Қадағичнинг юқори қисми уч қиррали қавариқ ёйсимон кўринишида тасвирланган.

Қадағичнинг эни – 25 миллиметр, бўйи – 40 миллиметр. Қадағич эни 20 миллиметрли кўк рангдаги шойи лента билан қопланган. Шойи лентанинг ўртасидан оқ рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Олд томони



Орқа томони



Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “22” декабрдаги 803-сон қарорига
3-илова

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қофоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташки томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “AXBOROT-KUTUBXONA”, иккинчи сатрда “A’LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда “ko’krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар тўқ кўк рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда, кўкрак нишонининг аслига teng ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда, “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳноманинг тартиб рақами учун “№” белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

“GUVOHNOMA” сўзидан 10 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизикдан 6 миллиметр куйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли тўрт сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O’zbekiston Respublikasi Prezidenti”, иккинчи сатрда “Administratsiyasi huzuridagi”, учинчи сатрда “Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar”, тўртинчи сатрда “agentligi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20__-у. __ “___” dagi”, иккинчи сатрда “__-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “AXBOROT-KUTUBXONA”, иккинчи сатрда “A'LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда “ko'krak nishoni bilan mukofotlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда, “Direktor” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

“Ахборот-кутубхона аълочиси”
кўқрак нишони гувоҳномаси



GUVOHNOMA

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi
Axborot va ommavil kommunifikatsiyalar
agentligi

20 ____ y. « ____ » _____ daqiqasi

-sonli buyrug'iغا асосан

«AXBOROT-KUTUBXONA
A'LOCHISI»

ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Direktor

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 22 ” декабрдаги 803-сон қарорига
4-илова

**“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўйкрак нишони билан тақдирлаш учун
тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

- | | |
|---------------------|---|
| 1. А. Ходжаев | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори, <i>Иичи гуруҳ раҳбари</i> |
| 2. У. Тешабаева | – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, <i>Иичи гуруҳ раҳбари ўринbosари</i> |
| 3. К. Акилова | – Ўзбекистон Республикаси маданият вазири ўринbosари, <i>Иичи гуруҳ раҳбари ўринbosари</i> |
| 4. Ф. Бозоров | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринbosари |
| 5. Б. Юсупалиев | – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринbosари – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги |
| 6. У. Бегимкулов | – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири ўринbosари |
| 7. Д. Кенжав | – Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазири ўринbosари |
| 8. Б. Абдуҳалимов | – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти |
| 9. Б. Махмадалиев | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринbosари |
| 10. С. Бобохўжаев | – Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари университети ректори |
| 11. И. Юлдашев | – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори |
| 12. К. Турсунов | – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг ўринbosари |
| 13. М. Юнусходжаева | – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кадрлар бўйича бош мутахассиси |


Изоҳ: Иичи гуруҳ аъзолари боша ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили функцияларни бажарии юкланган шахслар киритилади.

«Ахборот-кутубхона альочиси» кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони





«Ахборот-кутубхона аълочиси» кўкрак нишони ГУВОХНОМАСИ

«AXBOROT-KUTUBXONA
A'LOCHISI»
ko'krak nishoni
GUVOHNOMASI



GUVOHNOMA № _____

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti
Administratsiyasi huzuridagi
Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar
agentligi

20 ____ y. « ____ » _____ dagi
—sonli buyrug'iga asosan

**«AXBOROT-KUTUBXONA
A'LOCHISI»**

ko'krak nishoni bilan mukofotlandi

Direktor